

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "It jarroxlik kasalliklarning nazariy va amaliy asoslari " B.D.Narziyev Samarkand-2010 yil.
2. "Quloq, tomoq va burun kasalliklari "M.S.Yusupova, Nazarova, S.S.Shaimova Sam.TMI Tosh-2017 yil.
3. Алиев А.А., Медова Э.В., Сочнев В.В. Роль и место наиболее распространенных заразных болезней в формировании об-щей патологии собак на городской территории // Матер. мед. симпоз.: «Стратегия развития сельского и лесного хозяйства, сферы услуг в РФ и в мире». - Н.-Новгород, 2004. — С. 320-323.
4. Белов М.В., Стеколников А.А. Новый комплексный послеоперационный метод лечения хронических гнойных отитов у собак. // Материалы 55-й научной конференции молодых ученых и студентов. / СПбГАВМ. СПб, 2001. - с.7-9.
5. Батт Р. и др. Пищевая аллергия и перспективы лечения гиперчувствительности желудочно кишечного тракта иф Валтхам фосус. - 2000. - спес. выпуск (Внимание кожи и шерсти). - с.28-32.

УЎТ: 619.616:002.8.636

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОТИДА ҲАЙВОНЛАР БРУЦЕЛЛЁЗИНИНГ АЛЛЕРГИК ДИАГНОСТИКА УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Д.Улуғмуродов, А.А.Саидов, М.А.Рўзимуродов

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мазкур мақолада инсон ва ҳайвонлар учун ўта хавфли бўлган бруцеллёз касаллигининг Ўзбекистон шароитида ҳайвонлар орасида таххислаш борасида қўлланилаётган серологик усуллар билан бир қаторда аллергик усулда таххислаш учун маҳаллий иттамлардан аллерген тайёрлаш ва бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида материаллар берилган.

Калим сўзлар: бруцеллёз, иттам, аллерген, антитела, ГПЖГГА, сенсбилизация, агглютинация, референт иттамлар, инактивация, реактогенлик, стабилизация.

Кириш. Бруцеллёз (Brucellosis) – Brucella бактериялари томонидан чақириладиган инсон ва ҳайвонларнинг сурункали касаллиги бўлиб, юкумлилик даражаси бўйича 2-гуруҳга кириб, ўта хавфли юкумли-аллергик касаллик ҳисобланади. Ҳайвонлар бруцеллёзининг ўзига хос клиник белгилари бу оммавий аборт қилиш, бепуштлиқ, қисир қолиш, ҳомила яшовчанлигининг ҳамда ҳайвонлар маҳсулдорлигининг пасайиши билан белгиланади. Бруцеллёз инфекцион ва паразитар этиологияли касб касалликлари орасида биринчи ўринни эгаллайди ва катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ҳозирда бруцеллёз бўйича эпизоотик ва эпидемиологик ҳолат тўлиқ ижобий эмас ва бу одамлар учун бруцеллёзнинг асосий омиллари бўлган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида бруцеллёз касаллигининг мавжудлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда ҳайвонларда бруцеллёз касалликларини аниқлаш, уларни ажратиш, сўйиш ва ташкилий-иқтисодий, ветеринария-санитария ва умумий профилактик тадбирлар мажмуасини амалга ошириш услуги қимматга тушади, кўп вақт сарфлайди ва самарасиз эканлиги кўринмоқда. Иқтисодий ривожланган АҚШ, Германия, Голландия, Дания, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа мамлакатларда бугунги кунда ҳам, ҳайвонларнинг бруцеллёз касаллиги турли даражадаги интенсивлик билан қайд этилмоқда.

Шу боис, дунёнинг барча мамлакатларида бу касалликка қарши курашда - назорат қилиш ва касалликни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг бруцеллёзларига қарши курашнинг асоси – бу инфекцияни хўжаликка киришидан, касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш ва идентификациялашдан, касаллик қўзғатувчисини ташқи муҳитда йўқотиш, ҳайвонларни озиклантириш ва сақлаш учун оптимал санитария-гигиена шароитларини яратишдан иборат бўлган - ташкилий-иқтисодий ва ветеринария-санитария тадбирлари тизимини ташкил этади.

Шу мақсадда ҳозирда Ўзбекистон ва бутун дунёда бруцеллёз касаллигини аниқлаш қуйидаги серологик усулларда: РБН (Роз-бенгал намуна), АР (агглютинация реакцияси), КБР (комплимент боғлаш реакцияси), КУБР (комплиментни узоқ боғлаш реакцияси), ХР (сутда ҳалқа реакцияси), ИФТ (иммунофермент таҳлил), ПЗР (полимераза занжирли реакция) билан бир қаторда аллергия усулда ташхислаш тавсия этилган. Ушбу усуллар бруцеллёз диагностикасида ФАО/БҲССТ (Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилоти) томонидан тавсия этилган. (Ер усти ҳайвонлар саломатлиги кодекси, 2013 й).

Аллергенлар яратиш ва уни қўллаш борасида дунё бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва кўплаб аллергиялар яратилган. Шулардан диққатга сазоворларидан бири бу, 1968 йилда Е.С.Орлов ва А.Н.Касьяновлар томонидан агглютиноген бўлмаган штаммдан тайёрланган – ВИЭВ бруцеллини яратилган ва мазкур аллергия ҳозирга қадар қўй, эчки, чўчка ва буғулар бруцеллёзи диагностикасида қўлланилиб келинмоқда.

Маълумки, касал ҳайвоннинг аллергия ҳолати организмда махсус антителаларнинг ҳосил бўлишидан кейин пайдо бўлади ва узоқ муддатда яъни 16 ойга қадар сақланади (П.П. Самойлов, 1958). Адабиётларда бруцеллёз диагностикаси учун аллергия тайёрлаш бўйича ишлар ва уни зарур ҳолларда ишлатиш бўйича услубий қўлланмалар мавжуд бўлсада, бу масала ҳали ҳам долзарб ва истиқболли бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда аллергия диагностика қўй ва эчкилар ҳамда чўчкалар бруцеллёзини комплекс соғломлаштириш тадбирларига киритилган.

Аммо республикада мазкур аллергияларнинг ишлаб чиқарилмаслиги, тижорат аллергияларининг эса йўқлиги сабабли аллергия текширишлар ўтказилмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳайвонлар бруцеллёзига қарши аллергия ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш илмий-тадқиқот ва амалиёт ветеринария фаолияти учун ўта долзарб вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади – ВИТИ бруцеллёз лабораторияси музейида сақланаётган Ўзбекистонда селекция қилинган ва маҳаллий Бр.абортус 104М UZ, 2017/1 UZ ва Бр. мелитензис Рев-1 UZ, 9 UZ, штаммларининг культурал, морфологик, биохимик ва вирулентлик хусусиятларини ўрганиш ва референт штаммлари билан солиштириш ҳамда мақбулини бруцеллёзга қарши аллергия ишлаб чиқиш учун ажратиш. Танлаб олинган Br.Abortus 104М, 2017/1 ва Бр. мелитензис Рев-1, 9 штаммларидан турли усуллар орқали бруцеллёзга қарши аллергиянинг тажриба серияларини тайёрлаш ва лаборатория ҳайвонлари (денгиз чўчқаси, сичқон ва қўйлар)да синаш орқали уларнинг фаоллиги, сезувчанлиги, сенсibiliзацияловчи хусусиятларини, зарарсизлиги, реактогенлиги ва агглютиногенлик хусусиятларини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Бр.абортус 104М UZ, 2017/1 UZ ва Бр. мелитензис Рев-1 UZ, 9 UZ штаммларининг ҳар биридан 7 та намунада ГПЖГА пробиркаларига экилиб, термостатда 72 соат давомида ўстирилди. Шундан сўнг, тоза культуралар ажратиб олинган, барча штамм намуналаридан жами 5 тадан ГПЖГА-ли матрац колбаларига экиб чиқилди ва инкубаторга 72 соатга 37⁰ Сга ўстиришга қўйилди.

Белгиланган вақт ўтгач, колбалар визуал кузатилиб, улар стерил 0.85 %-ли физиологик эритма билан ювиб олинди ва шу жойнинг ўзида сув ҳаммомида 80⁰ С ҳароратда инактивация қилинди. Иш режага биноан барча штаммлар бакмассалари 5 %-ли фенолли физиологик эритма (ФФЭ) билан яна фаолсизлантирилди. Идишларига ФФЭ пипетка ёрдамида секинлик билан томизилиб, аралаштирилиб турилди ва стабилизация бўлиши учун музлатгичга қўйилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот олиб борилаётган штаммларнинг зарарсизлиги ҳамда аллергия хусусиятларини текшириш мақсадида барча штаммлар культураларидан суспензиялар тайёрланиб, Козловский усулида микроскопик текширилди. Микроб ҳужайраларининг зичлиги ва рН Тарасевичнинг лойқаланиш оптик стандарти асосида текширилди. Суспензияда рНнинг камайиши кузатилганда, ўювчи натрийнинг 4%ли стерил эритмаси билан рН 7.5га етгунга қадар ишқорланди. Лаборатория ҳайвонларида аллергияларнинг зарарсизлигини синаш мақсадида ҳар бир штаммлар учун 3 бошдан оқ сичқонлар ва денгиз чўчкалари танлаб олинди.

Оқ сичқонларнинг елка қисми тери остига 0.25 мл суспензия юборилиб, 10 кун, денгиз чўчкаларининг ўнг курак қисми тери остига 1 мл суспензия юборилиб, 25 кун давомида назоратда сақланди. Бу вақт мобайнида соғлом оқ сичқонлар ва денгиз чўчкаларида бирон-бир физиологик ўзгаришлар кузатилмади ва мазкур маҳаллий штаммларнинг ареактогенлиги аниқланиб, бруцеллез диагностикаумлари учун талаб этиладиган кўрсаткичларга жавоб бериши тасдиқланди.

Ҳар бир штаммлар бакмассалари центрифугада дастлаб 3 минг айланиш/тезликда 60 дақиқа, 6 минг айланиш/тезликда 30 дақиқа, 10 минг айланиш/тезликда 40 дақиқа давомида центрифугаланиб, мазкур концентратлар стерил идишларда филтрланди ва тажриба аллергия сериялари тайёрланди.

Мазкур тажриба аллергия серияларининг реактогенлик ва антигенлик хусусиятларини ўрганиш учун юқорида номлари келтирилган штаммлардан олинган ҳар бир аллергия тажриба сериялари лаборатория виварийсидаги бундан 10 ой илгари бруцеллезга қарши ҳар хил вакциналар билан эмланган қорақўл қўйларининг 3 бошида (жами 12 бош) синовдан ўтказилди, дастлаб инъекция жойи 70% ли спирт билан жойи (чап қавоқ, кўздан 2-3 см пастда) ишлов берилиб, инсулинга ишлатиладиган шприцларда ҳар бир аллергия 0.5 мл миқдорида алоҳида юборилди. Икки бош қўйларга аллергия юборилмади, улар назорат сифатида ишлатилди.

Қўйларда ҳар куни инъекция жойи назорат қилинганда: реактогенликни баҳолаш – 5 кун давомида, АР ва ПАРда антигенлик хусусиятларини текшириш учун қон намуналари 15 кундан сўнг текширилди.

Аллергияларни реактогенлик хусусиятлари 5 кунлик назорат давомида текширилганда куйидаги натижалар намоён бўлди: ушбу қўйларнинг озикланиши ва сув ичиши эркин, бир жойда сақланди ва улар кузатувда бўлди, кунлик тана ҳарорати Аллерген-104MUZ қўлланилганда ўртача $\Sigma X-39.0^{\circ}\text{C}$ ташкил қилди. Жумладан, Аллерген Рев-1UZ, Аллерген-1/2017UZ, Аллерген-9UZ қўлланилганда, қўйларнинг физиологик ҳолатида ўзгаришлар кузатилмади ва тана ҳарорати ўртача $\Sigma X-39.8^{\circ}\text{C}$, $\Sigma X-39.4^{\circ}\text{C}$ ва $\Sigma X-39.6^{\circ}\text{C}$ ташкил этди.

Аллергияларни антигенлик (агглютиногенлик) хусусиятлари 15-20-25 суткадан кейин серологик реакцияларда текшириш тадқиқотлари олиб борилмоқда ва ҳозирда бу борадаги илмий-тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, 10 ой илгари бруцеллезга қарши ҳар хил вакциналар билан эмланган қорақўл қўйларида ўрганилган маҳаллий Бр.абортус 104M UZ, 1/2017 UZ ва Бр.мелитензис Рев-1 UZ ва 9 UZ штаммларидан тайёрланган тажриба аллергия серияларининг ареактогенлиги, антигенлик (агглютиногенлик) хусусиятларининг мавжудлиги ҳамда бруцеллез аллергиялари учун талаб этиладиган кўрсаткичларга жавоб беришлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳайвонлар бруцеллез касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган ТИЗИМ. //Утверждена Государственным ветеринарном комитетом Р.Уз. 2018 г.
2. Ветеринарные препараты: Справочник/Сост.: Ю.Ф.Борисович, Л.В.Кириллов; Под ред. Д.Ф.Осидзе – М.: Колос. 1981. – 188-192 с.

3. Косилов И.А., Димов С.К., Дегтяренко Л.В. Профилактика и ликвидация бруцеллёза курпного рогатого скота (методические рекомендации) //СО, ВАСХНИЛ, ИЭВСиДВ-Новосибирск, 1986.-55 с.

4. Здрадовский П.Ф. «Бруцеллёз» //Современное учение применительно к патологии человека. М.изд. 1953. С. 264

5. Климанов А.И., Шумилов К.В., Рузимуродов М.А. и др. Совершенствование средств серологической диагностики бруцеллёза сельскохозяйственных животных. //Актуальные вопросы профилактики бруцеллёза и организация медицинской помощи больным. Тез. докладов Всесоюзной Конференции, Новосибирск., М.1989. с. 133.

УДК 619.616.61724.8.559.59

ҚОРАМОЛЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА КАСАЛЛИКДАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Г.Х.Мамадуллаев, О.К.Жўракулов

Ветеринария илмий тадқиқот институти

З.Ж.Шопўлатова

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

Аннотация. Мақолада қорамоллар туберкулёзининг алоҳида табиатига эга бўлган баъзи хусусиятлари, келтириладиган ижтимоий ва иқтисодий зарар, касалликдан соғломлаштиришининг 3 хил услуги: – Ветеринария–санитария, Тубазид кимёпрофилактикаси ва ЭТИС комплекс препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услубларининг ўзаро қиёсий иқтисодий самарадорлигининг таҳлили берилган.

Калит сўзлар: Ветеринария-санитария, Тубазидопрфилактика, ЭТИС, синергизм, пролонгация, комбинация, микобактерия, *M.tuberculosis*, *M.bovis*, аллергия.

Кириш. Республикамизда туберкулёзнинг бир қанча муаммолари, хусусан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида касаллик тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари, эмланган ва касалланган ҳайвонларда бир хил аллергия реакция намоён бўлиши, ППД туберкулин диагностикасини чет давлатлардан валютага сотиб олиниши каби муаммолар ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Айниқса, касаллик қўзғатувчисининг маълум бир турдаги ҳайвон организмига эволюция давомида мослашишига қарамасдан, улар қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмига миграция қилиши касаллик бўйича эпидемик ва эпизоотик ҳолатни мураккаблашувига олиб келмоқда.

Туберкулёзнинг барча юқумли касалликларга хос бўлган хусусиятлари билан бир қаторда алоҳида табиатига эга бўлган бир қанча хусусиятлари ҳам мавжуд. Касалликнинг тарқалиши, инфекция келтириб чиқарадиган омиллар, сурункали кечиши, организмнинг касалликка нисбатан миқдорий ва сифатий тафовутда бўлиши жумласидандир.

Туберкулёзга қарши курашиш йўриқномасига (Тошкент 2016 й.) мувофиқ касалликка қарши кураш фақат санитария усулида олиб борилиб, молларнинг насллилиги, ёши, бугозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулинга реакция берган молларни бартараф қилиб боришга қаратилган. Бунинг натижасида баъзан асоссиз равишда кўплаб мол бош сони сўйилиши натижасида йуқ қилинади. Туберкулёз аниқланган хўжаликларда режа асосида аллергия текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (2-3 ой оралиқ билан) ижобий реакция берган қорамоллар бартараф қилиб борилади. Бундай жараён узоқ давом этиши мумкин ва бу даврда кўплаб маҳсулдор молларнинг камайишига олиб келади. Попада қолган шартли соғлом моллар организми эса муҳофаза қилинмайди. Бундан ташқари туберкулёз аллергиясида нотипик микобактериоз омили (парааллергия, псевдоаллергия) соғломлаштириш